



BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI



Научный вестник Бухарского государственного университета
Scientific reports of Bukhara State University

5/2024

E-ISSN 2181-1466



9 772181 146004

ISSN 2181-6875



9 772181 687004



5/2024

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI
SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA STATE UNIVERSITY
НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК БУХАРСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА

Ilmiy-nazariy jurnal

2024, № 5, aprel

Jurnal 2003-yildan boshlab **filologiya** fanlari bo'yicha, 2015-yildan boshlab **fizika-matematika** fanlari bo'yicha, 2018-yildan boshlab **siyosiy** fanlar bo'yicha, **tarix** fanlari bo'yicha 2023 yil 29 avgustdan boshlab O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar Vazirligi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining dissertatsiya ishlari natijalari yuzasidan ilmiy maqolalar chop etilishi lozim bo'lgan zaruriy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

Jurnal 2000-yilda tashkil etilgan.

Jurnal 1 yilda 12 marta chiqadi.

Jurnal O'zbekiston matbuot va axborot agentligi Buxoro viloyat matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan 2020-yil 24-avgust № 1103-sonli guvohnoma bilan ro'yxatga olingan.

Muassis: Buxoro davlat universiteti

Tahririyat manzili: 200117, O'zbekiston Respublikasi, Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko'chasi, 11-uy.

Elektron manzil: nashriyot_buxdu@buxdu.uz

TAHRIR HAY'ATI:

Bosh muharrir: Xamidov Obidjon Xafizovich, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Bosh muharrir o'rinbosari: Rasulov To'liqin Husenovich, fizika-matematika fanlari doktori (DSc), professor

Mas'ul kotib: Shirinova Mexrigiyo Shokirovna, filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Kuzmichev Nikolay Dmitriyevich, fizika-matematika fanlari doktori (DSc), professor (N.P. Ogaryov nomidagi Mordova milliy tadqiqot davlat universiteti, Rossiya)

Danova M., filologiya fanlari doktori, professor (Bolgariya)

Margianti S.E., iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Indoneziya)

Minin V.V., kimyo fanlari doktori (Rossiya)

Tashqarayev R.A., texnika fanlari doktori (Qozog'iston)

Mo'minov M.E., fizika-matematika fanlari nomzodi (Malayziya)

Mengliyev Baxtiyor Rajabovich, filologiya fanlari doktori, professor

Adizov Baxtiyor Rahmonovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Abuzalova Mexriniso Kadirovna, filologiya fanlari doktori, professor

Amonov Muxtor Raxmatovich, texnika fanlari doktori, professor

Barotov Sharif Ramazonovich, psixologiya fanlari doktori, professor, xalqaro psixologiya fanlari akademiyasining haqiqiy a'zosi (akademigi)

Baqoyeva Muhabbat Qayumovna, filologiya fanlari doktori, professor

Bo'riyev Sulaymon Bo'riyevich, biologiya fanlari doktori, professor

Jumayev Rustam G'aniyevich, siyosiy fanlar nomzodi, dotsent

Djurayev Davron Raxmonovich, fizika-matematika fanlari doktori, professor

Durdiyev Durdimurod Qalandarovich, fizika-matematika fanlari doktori, professor

Olimov Shirinboy Sharofovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Qahhorov Siddiq Qahhorovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Umarov Baqo Bafoyevich, kimyo fanlari doktori, professor

Murodov G'ayrat Nekovich, filologiya fanlari doktori, professor

O'rayeva Darmonoy Saidjonovna, filologiya fanlari doktori, professor

Navro'z-zoda Baxtiyor Nigmatovich, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Hayitov Shodmon Ahmadovich, tarix fanlari doktori, professor

To'rayev Halim Hojiyevich, tarix fanlari doktori, professor

Rasulov Baxtiyor Mamajonovich, tarix fanlari doktori, professor

Eshtayev Alisher Abdug'aniyevich, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Quvvatova Dilrabo Habibovna, filologiya fanlari doktori, professor

Axmedova Shoira Nematovna, filologiya fanlari doktori, professor

Bekova Nazora Jo'rayevna, filologiya fanlari doktori (DSc), professor

Amonova Zilola Qodirovna, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

Hamroyeva Shahlo Mirjonovna, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

Nigmatova Lola Xamidovna, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

Boboyev Feruz Sayfullayevich, tarix fanlari doktori

Jo'rayev Narzulla Qosimovich, siyosiy fanlar doktori, professor

Xolliyev Askar Ergashovich, biologiya fanlari doktori, professor

Artikova Hafiza To'ymurodovna, biologiya fanlari doktori, professor

Hayitov Shavkat Ahmadovich, filologiya fanlari doktori, professor

Qurbonova Gulnoz Negmatovna, pedagogika fanlari doktori (DSc), professor

Ixtiyarova Gulnora Akmalovna, kimyo fanlari doktori, professor

Rasulov Zubaydullo Izomovich, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

Mirzayev Shavkat Mustaqimovich, texnika fanlari doktori, professor

Samiyev Kamoliddin A'zamovich, texnika fanlari doktori, dotsent

Esanov Husniddin Qurbonovich, biologiya fanlari doktori, dotsent

Zaripov Gulmurot Toxirovich, texnika fanlari nomzodi, professor

Jumayev Jura, fizika-matematika fanlari nomzodi, dotsent

Klichev Oybek Abdurasulovich, tarix fanlari doktori, dotsent

G'aybulayeva Nafisa Izattullayevna, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

MUNDARIJA *** СОДЕРЖАНИЕ *** CONTENTS		
ADABIYOTSHUNOSLIK *** LITERARY CRITICISM *** ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИЕ		
Қувватова Д.Х., Сафарова Х.О.	Самандар Воҳидовнинг дostonчиликдаги ижодий изланишлари	3
Davronova Sh.G‘.	Isajon Sulton hikoyalarida ma’naviy qadriyatlar talqini	8
Ражабов Д.З., Ражабова Р.З.	Халқ кўшиқларининг пайдо бўлиш асослари ва табиатига хос хусусиятлар	13
Qodirova M.A.	Ahmad A’zam badiiy tasvir mahorati	19
Xamdamova S.B., Gaybulloyeva V.Sh.	Emili Dickinson she’riyatida romantizm xususiyatlari in’ikosi	25
Inoyatova D.I.	The comparison of the concept of ugliness in english and uzbek proverbs	29
Israilov G‘.B.	Sakkokiy devoni xususida	33
Jabborova M.V.	Zamonaviy o‘zbek she’riyatida samoviy timsollarning lirik qahramon ruhiyatini ifodalashdagi badiiy-estetik talqini	
Sharopova Sh.Sh., Kilicheva M.R.	Identifying the “story telling” element of self-help genre on the work of “How to win friends and influence people” by Dale Carnegie	41
Mulloqulova Z.Sh.	O‘zbek adabiyotida adabiy topishmoqlarning badiiyati	45
Xolnazarova M.X.	Buxoriy hadislarida odob-axloq tushunchalari	49
Ziyodulloeva A.A.	Psycho-emotional features of color interpretation in english literary works	55
Исаева Г.А.	Дихотомия образа врага в военной литературе Шухрата и Ю.Бондарева	60
Кенджаева Г.Ф.	Способи передачи паремиологических единиц в русских и английских переводах романа Абдулла Кадыри «Минувшие дни»	67
Розикова Н.Н.	Метажанровые трансформации и экспериментальное переопределение жанров в современной литературе	71
Nazarova G.P., Davronova R.A.	Laila’s attitude towards gender discrimination in Khaled Hosseini’s “A thousand splendid suns”	78
Каримова И.Д.	Вера в бога как механизм выживания в романе "Робинзон Крузо" Даниэля Дефо	82
Murtazayev E.N.	XX asr jahon adabiyotida ekspressionistik qarashlar	87
Махмудова С.Х.	Erkin Vohidovning “O‘zbekiston” she’rida vatan talqinlari	91
JURNALISTIKA *** JOURNALISM *** ЖУРНАЛИСТИКА		
Berdiyeva S.A.	O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti devoni tarkibida matbuot kotibining roli	95
Primov Sh.M.	“Mushtum” jurnalining tarixiga bir nazar	101
Berdiyeva S.A.	O‘zbekistonda matbuot xizmatlari	105
“NAVOIY GULSHANI”		
Hikmet K., Sayliyeva M.R.	Ey, nubuvvat xaylig’a xotam bani Odam aro	112

ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШ АСОСЛАРИ ВА ТАБИАТИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР

Ражабов Дилшод Зарипович,

Бухоро давлат университети профессори, филология фанлари доктори(DSc)

Ражабова Раъно Зариповна,

Бухоро давлат университети доценти, филология фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)

Аннотация. Мақолада, ўзбек халқ қўшиғи ва шеърининг ўзига хос кўринишлари қўшиқ истилоҳининг луғавий ва истилоҳий маънолари, қўшиқ импровизация воситаси, қўшиқ ижрочилиги хусусиятлари ва ижрочилар таркибий хусусиятлари ҳақида илмий назарий қарашлар кўрсатилган.

Калит сўзлар: қўшиқ атамаси, халқ шеъри, ижро, образ, тимсол, ашула, халқ қўшиқлари.

ОСНОВЫ ВОЗНИКНОВЕНИЯ И ОСОБЕННОСТИ ПРИРОДЫ НАРОДНЫХ ПЕСЕН

Аннотация. В статье показаны научно-теоретические взгляды на особенности узбекской народной песни и поэзии, лексические и идиоматические значения песенного стиля, средства песенной импровизации, особенности песенного исполнения и структурные характеристики исполнителей.

Ключевые слова: песенный термин, народная поэма, исполнение, образ, символ, напев, народные песни.

FUNDAMENTALS OF EMERGENCE AND CHARACTERISTICS OF THE NATURE OF FOLK SONGS

Abstract. The article shows scientific and theoretical views on the features of Uzbek folk song and poetry, lexical and idiomatic meanings of song style, means of song improvisation, features of song performance and structural characteristics of performers.

Keywords: song term, folk poem, performance, image, symbol, tune, folk songs.

Кириш. Маълумки, санъат уч таркибий қисмдан иборат ЯРАТУВЧИ – ИЖРО ЭТУВЧИ – ТИНГЛОВЧИ. Ушбу учликка хос хусусият Санъатнинг “инсон имкониятлари ва маҳоратининг олий даражадаги намоиши” [1.4] даражасига кўтарилганлигидир. Шунинг учун ҳам фольклор бадииятида сунъий шакллардан мутлоқо узок, унда табиий негизга эга бўлмаган бадиий структуралар учрамайди. Худди шундай халқ қўшиғида ҳам ҳеч қандай ортиқча ифодавийлик, ўта сайқалланган, тарошланган бир нарсани кўрмаймиз. Тўғри халқ оғзаки ижоди намуналарида, айниқса, эпик жанрларга мансуб асарларда сеҳр-жоду, фантастика ва хаёлий уйдирма асосига қурилган мотивлар кўп учрайди. Шундай бўлса-да, инсон доимо ўзлигига қайтиб содда, тўғри самимий фикрини бойитишга қодир. У қанчалик либосга бурканмасин, барибир унда бағрикенглик, меҳр-муҳаббат, садоқат, раҳм-шафқат каби эзгу хислатлар баробарида тажовузкорлик, ғазабкорлик ҳам кўзга чалиниб туради. М.Қошғарийнинг кўз сўзи теранидаги фикрлари унинг бунда азалдан мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди. Қолаверса, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “ашула – якка хонанда, гуруҳ ёки хор ижро этадиган куй басталанган асар, қўшиқ” - дейилган[2.122]. Агар ушбу фикрга таянилса, “ашула” ва “қўшиқ” истилоҳлари бир синонимик қаторда турадиган атамалар эканлиги аёнлашади. Бироқ ашула ва қўшиқ сўзлари гарчи бир синонимик қаторда турса-да, уларнинг маъно ва мазмунида иккита алоҳида ҳодиса ётади.

Асосий қисм. “Қўшиқ” атамасининг илмий истилоҳ ҳолатига келтирилганлигига жуда кўп асрлар бўлган. Зеро, у кенг маънода халқ поэзиясини англатса, тор маънода халқ лирикаси шаклини-жанрини ифодалайди. Бу ҳолатни қорақалпоқ, озарбайжон ва уйғур фольклорида бўлганидек, тожик фольклорида ҳам кузатиш мумкин. Чунончи, тожикча “Суруд”, қорақалпоқча “Қўсик”, озарбайжонча “Қўшма” ва уйғурча “Қўшоқ” истилоҳлари шундай эстетик моҳиятга эга. М.Қошғарийнинг “ДЛТ” асарида шундай тўртлик бор.

Туркан катин кутёга,
Тергур мендин қўшиғ
Ажгул сизни табуғчи,

Мазмуни: Туркон хотин қошиға,
Мендан еткур шеър.
Хизматда ходимингиз,

Отнур жағи табуғ.

Рост, деб паём бер [3.357].

Бу академик А.Қаюмовнинг шеърий табдили. Чиндан-да, “Қўшиғ” сўзи дастлаб “мақтов, алдов” маъносида қўлланган. Шуниси эътиборлики, бу истилоҳ Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” (“Саодатга элтувчи билим”) асарида фонетик ўзгаришга учраган ҳолда “Қўшиғ” шаклини олган бўлса, Хоразмийда “Қўш” шаклини олган. Чунончи, Юсуф Хос Ҳожибда:

Бу туркче қўшиқлар тузетгим сеге,

Мазмуни: Бу туркча қўшиқларни сен учун туздим(ёздим),

Ўқиганигда унутмай дуо қил мени [4.58].

Хоразмийда:

Кел, эй ой юзли дилбар, тут бир қўш,

Бирор қўш бирла, қилгил бизни мадхуш [5.170].

Бу байтда “Қўш” сўзи шеър битиш, яратиш маъносидадир.

XII аср тилшуноси Махмуд Умар Замахшарий “Муқаддимат ул-адаб” арабча-форсча-туркча-муғулча тўрт тилли луғатида арабча “шеър” истилоҳи туркийда “Қўшиқ” дейилишини изоҳлаб, унга “-чи” қўшимчасини қўшиб ясалган “қўшиқчи” сўзи моҳиятан “шоир” атамасига эквивалент эканлигини шундай таъкидлайди: “Шеър кўтоҳ гуфт шоир-қиска қўшиқ айтди қўшиқчи” [6.5]. (Алишер Навоий ҳам “Мезон ул-авзон” асарида “Қўшиқ” истилоҳини “поэзия” маъносида қўллаб, яна унинг аёлғу, лаҳн, турки деб ҳам юритилишини, айни чоғда булар халқ поэзиясининг ички шакллари сифатида учрашини таъкидлайди.

Алишер Навоий “Қўшиқ”нинг тор маънода жанр тушунчасига эғалигига алоҳида диққат қилиб ёзади: “Яна қўшиқдурким, орғуштак усулида шойидир ва баъзи адвор кутубида ул усул бўлбтур ва ул суруд аъробнинг тева сурур худилари вазни била мадиди мусаммани солимда воқе бўлур, анинг асли бу наъвдурким, байт:

Ваҳки ул ой ҳасрати дарди доғи фирқати,

Ҳам эрур жонимга ўт ҳам ҳаётим офати”[7.92].

А.Навоий бунда куй басталанган, вале арузда битилган халқ қўшиғини кўзда тутадикки, ҳозир бундай ҳодиса, “ашула” истилоҳи остида қўшиқдан фарқ қилинади ва қўшиқнинг ички бир хили сифатида тушинилади.

Бобур ҳам “Рисолаи арузда” бу фикрни тасдиқлаб ёзади: “Султон Ҳусайн Мирза замонида яна бир суруд чикти ким “Туркий”га ўқ мавсум бўлди. Алишер Навоий ва Бобурлар замонидан эътиборан қўшиқнинг ички жанрларини фарқлаш тамойилга айлана борган.

Умуман, қўшиқ атамаси туркий “Қўшмоқ” феъли ўзагидан ясалган бўлиб, сатрга сатрни қўшиб айтиш ва куйлаш маъноларин англатади. Зеро, халқ қўшиғи куй билан бирга туғилади ва шу хусусияти билан ёзма адабиётдаги шеърятдан фарқ этади. Қолаверса, халқ қўшиқлари тарихан рақслар билан ҳам яхлитлашган ва албатта, куйланишга мувофиқлашгани билан ажралиб туради. А.Мусақулов шу хусусиятни назарга олиб, халқ қўшиқларининг “тарихий асосларига қадим тасаввурлар, урф-одатлар билан, айниқса, ҳосилдорлик культлари билан узвий боғланган, куй ва рақс билан бирга пайдо бўлиб, куй билан муносабатини барқарор сақлаб қолган шеърий санъат тури”(15-бет) санайди. Умуман, сайқалга, сире сеҳрга муҳтож бўлмаган халқ қўшиқларида ҳам ишонч-эътиқодларнинг излари муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам халқ ижодиётининг санъат билан боғлиқ турларини махсус ўрганган олимлар ишонч-эътиқодлар, маросимлар халқ ижоди асарларининг яратилиши ва тараккиётида муҳим ўрин тутган деган фикрга келишганлиги маълум. М.Қодировнинг эътирофига кўра, рақс санъати меҳнат жараёни, маросим ва қадимги эътиқодлар билан боғлиқ рамзий ҳаракатлар асосида келиб чиққанлигини «катта ўйин», «мақом ўйин», «рақс ўйин» каби анъанавий халқ рақси тараккиёти мисолида исботлаган. Аммо ана шу рақс намуналарининг асосида ҳам инсон ва табиат муштараклиги муҳим омил бўлиб хизмат қилган. “Беш қарсақ” ўйинидаги рақс унсурлари оч бўри ва қишлоқ итларига тақлид асосидаги қадимги ритуаллардан ўсиб чиққан. Халқ рақслари тарихига оид шундай қарашлар йирик фольклоршунос олимлар томонидан ҳам илгари сурилган. Чунончи, Ҳоди Зариф ўзининг «Фольклор ва археология материалларини қиёсий ўрганиш масаласига доир» номли мақоласида, «Қарсақ ўйин»ни аждоқларимизнинг овчилик маросимлари билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлиб, кейинроқ тотемистик эътиқод билан қўшилиб кетган кўҳна рақсларнинг қолдиқлари эканлигини далиллайди. У бу рақсни ўйнаётган раққосларнинг ўртадагиси бўри, айланадагилари-бўрига топинувчи қабиллага мансуб одамлар тимсоли эканлигини таъкидлайди. “...Чунки бўри образи баъзи туркий халқларда, жумладан, ўзбек уруғларининг бир қанчасида ижобий, ҳатто муқаддас саналганки, бу тушунча уларнинг бир замонлар бўрига эътиқод қилганликлари уни тотем сифатида муқаддас билганликлари билан боғлиқ”[8.29-30] - деб ёзади. Шу мулоҳазаларга асосланиб айтиш

мумкинки, инсон ҳис-туйғуларини, ўй-орзуларини, қувонч ва ғамларини, хуллас, ранг-баранг кечинмаларини тугал ҳолатда кўпинча тўртлик ва маълум ҳолатларда иккилик, учлик, бешлик, олтилик шаклларида куй, оҳанг ва рақс омухталигида ифодалаб, оғиздан-оғизга ўтиш асосида хилма-хил вариантларда эл орасида кенг тарқалган халқ шеъри кўшиқ ҳисобланади. ”Қарсақ одатда эркаклар, кўпинча ўспирин йигитлар томонидан ижро этилганлиги туфайли рақс ўйинларида кузатиладиган ижрочилик услуби ҳам маълум туйғуларнинг эркакча рақсий ҳаракатлар воситасида ифодаланиши билан боғлиқ хусусиятларга эгадир”[9.18]. Равшанлашаётирки, “қарсақ” жўрлигида ижро этилган кўшиқ асосан йигитлар томонидан ижро этилиб, ўзига хос мазмун ва маъно уйғунлигини пайдо қилган. Кўшиқ халқ шеъри сифатида ҳам бармоқ, ҳам аруз вазнларида яратилса-да, якка ва жамоа(коллектив), созли(куйли) ва созсиз (куйсиз) ижроларга мўлжалланганлиги билан ўзаро фарқ қилади. Масалан: Жарчилар, наврўз кўшиқларининг айрим турлари, келгин ёр ўйнайлик, ўроқчилар кўшиғи, мотам маросимларида ижро этиладиган кўшиқлар якка ва жамоа томонидан куйланган. Ёр-ёрлар, мавсумий-маросим кўшиқларининг аксарияти, нонвой кўшиғи, уфў-жақала, оилавий – маросим кўшиқлари созли(куйли) ижро этилган бўлса, меҳнат кўшиқларидан ёрғичоқ, бўзчи, каштачилик, хўп майда ва ҳоказолар созсиз (куйсиз) ижро этилган. Бироқ халқ кўшиқлари қайси жанрда ёки яккахон, жамоа, созли, созсиз куйланишидан қатъий назар маълум бир мусикий оҳангни талаб қилади. Кўшиқнинг асосий хусусиятларидан яна бир шундадир. Зеро, маълум бир оҳангга солинмаган хушоҳанглик касб эта олмаган, ритмик маромнинг узвий яхлитлиги таъминланмаган ҳар қандай матн кўшиқ бўла олмайди. Ўзбек миллий ашулчилигининг шартли хусусиятларидан бири шундаки, унинг шакл ва навлари, тоифа ва услубий кўринишлари хилма-хилдир. Ашуланинг энг оддий, халқчил мисоллари кўшиқ жанрига бироз яқин дейиш мумкин. Аммо кўшиққа нисбатан ашуланинг соф мусикий кўлами анча кенг. Шу боис ашулада мусикий матннинг ривожланиши ҳам давомлироқ бўлиб, баланд авжи борлиги билан орасида сезиларли даражада фарқланади. Бундай тоифадаги асл намуналар кўпроқ “халқ ашула”си деб юритилади. “Фольклор ижрочилиги – кўшиқ, рақс, мусиқа сахнавий ҳаракатлар сингари таркибий қисмларни ўз ичига мужассамлаштирган жанр эканлиги маълум”[10.6]. Халқ кўшиқларининг ижрочилиги ўзига хос эътиборга эга. Масалан Жарчилар кўшиғи куйланганда куйидагича ҳолат кўзга ташланади. Одатда тўрт ёки беш эркак, турли маросимларда одамларни жарчилар чақириғи билан чорлаганлар. Одатда чақириқлар доира усули билан бошланган. Доира жўрлигида куйланган жарчилар кўшиғи халқни қайсидир маросимга чорлашни бир қадар осонлаштиради. Шунингдек, жарчиларнинг ижро жараёнига мос келувчи ҳатти-ҳаракатлари ҳатто либослари ҳам уйғунлик касб этади. Яратгандан ёмғир сўраб ижро этиладиган кўшиқ ҳисобланувчи “Суст хотин” кўшиғи қадимий аждодларимиз кутилган пайтда ёғингарчилик бўлмаса ёки қурғоқчилик узоқ давом этса, яратгандан турли усуллар билан ёмғир сўраганлар. Кўшиқ яратилган объект табиат, булут сифатида тасаввур қилингани билан асосий мақсад биттадир – у ҳам бўлса яратганнинг ҳамма нарсага қодирлигини яна бир бора тан олиш ва фақат унга илтижо қилиш орқали ёғингарчилик сўраш. Ушбу кўшиқ най чолғусида ижро этилган куй бўлагидан сўнг кўшиқ мусиқа жўрлигисиз давом эттирилади. Гоҳ яккахон ёлғиз ҳолда гоҳ ҳамма билан биргаликда куйланадиган кўшиқ товуш кучининг ортиб бориши билан гўё ҳамма томонни булут қамраб олгандай тасаввур ҳосил қилиши лозим. Меҳнат кўшиқларининг жуда кам тарқалган тури ҳисобланадиган ошпаз кўшиғининг ижро жараёни ҳам эътиборни тортади. Маълумки, меҳнат жараёнида тушлик узоқ чўзилиб кетмаслиги учун қадимда ҳам, ҳозир ҳам таом далага келтирилган. Ошпаз кўшиғида ошпаз аёл ва дехқонларнинг ҳазил – мутойибаси тасвирланади. Кўшиқ яккахон (ошпаз аёл) ва эркаклар гуруҳи яъни дехқонлар айтишуви тарзида созсиз ижро этилган. Ҳазил айтишув кўшиқларидан яъна бири Янгажон кўшиғидир. Янгажон кўшиғи ҳам созсиз ижро этилган.

Халқ орасида кўшиқ ижрочилари кўшиқчи, халфа, сатанг, гўянда (наҳвагар), ашулакаш (ашулачи), лапарчи, ўланчи тарзида фарқланади. Кўшиқчи кўпинча тўртликларни ижро этса-да, аслида нисбатан кенгроқ маънода, умуман, кўшиқ ижрочиси ва ижодкори бўлса, гўянда (наҳвагар) асосан йиғи-йўқловларни куйлашга ихтисослашган кўшиқчидир. Ашулакаш ёки ашулачи кўпинча мақом таркибидаги кўшиқларни ёки катта ашула дейилгучи жўрсиз ижро этиладиган кўшиқни куйлай оладиганлардир. Лапарчи рақсга тушган ҳолда кўшиқ айтгучи бўлса, ўланчи тўй маросими кўшиқларини ижро этувчидир. Халфа Хоразмда кенг тарқалган аёл кўшиқчилиги бўлиб, улар ҳам тўй, ҳам аза кўшиқларини барава ижро этаверадилар. Сатанг Наманганда халқ кўшиқларини доира жўрлигида ижро этувчи аёллардир.

Шуни ҳам айтиш керакки, халқ кўшиқлари турли жойларда, турлича ижро этилади. Чунончи, Фарғона водийсидаги ёр-ёр ижроси Бухородагидан ва ўз навбатида, Хоразмдаги ёр-ёр буларнинг ҳар иккаласидан фарқ қилади. Бу фарқ ёр-ёр оҳангидагина эмас, ҳатто нақаротда ҳам сезилади. Фарғонада

ва Тошкент воҳасида “ёр-ёр” нақароти (радифи) оммавийроқдир. Катта кўшиқ дейилгувчи жўрсиз ижро этиладиган кўшиқ, асосан Фарғона водийси ва Тошкент атрофларида учраса-да, Ўзбекистоннинг бошқа жойлари учун хос эмас. Фарғона кўшиқ ижрочилигида дутор ва доира жўрлиги нисбатан фаол бўлса, Бухорода танбур ва доира, Хоразмда эса тор, гармон ҳамда доира шундай мавқега эга.

Миллий мусиқа меросимизни ташкил этувчи касбий жанрлар таркиби асосан куйидагилардан иборат: ашула, ялла(шаклан ривожланган, бастакорлик ижодига оид намуналари), катта ашула, сувора, куй, маком, достон. Ашула сўзини “Арши Аъло”ни (Р.Қурбонов) мадҳ этиш маъноси борлиги ҳақида ҳам қарашлар мавжуд. Ашула сўзининг маъноси ҳақида сўз юритган Комил Аваз ва Абдулла Аҳмедовлар куйидагиларни таъкидлайдилар. “Ашула” кўшиқнинг бир тури бўлиб, асосан қадимда, ислом дунёсида Али ибн Абу Толибнинг ўғли, Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи вассаламнинг набиралари Имом Ҳусайн шаҳид бўлган куни йиғлашиб, “Ашура” – мотам марсияси куйланган. Шу санадан бошлаб мотам кунлари “ашура” айтиш расмга айланган, уни ашураҳонлик дейилган. Бу форсларда ҳозир сакланиб қолган. “Ашура” сўзи кейинчалик фонетик ўзгаришга учраб, “ашула шаклини олган”. Бу фикрларга мутлақо кўшилиб бўлмайди. Фольклоршунос Ш.Турдимов “Ашула ашура эмас” номли мақоласида эътиборли фикрларни илгари сурган. Зеро, А.Жумаев этногафлар, А.Л.Троицкая ва О.А.Сухареваларнинг фикрларини келтирар экан куйидагиларни таъкидлайди. “Хасан ва Хусанларнинг хотирасига бағишлаб Бухоро ва Фарғона водийси аёллари Мухаррам ойининг биринчи ўн кунлигида “ашр оши” маросимини ўтказишган [11.114]. Атоқли хонанда ва созанда Р.Қурбонов “Ашула мусиқаннинг бир жанри бўлиб, туркларда-шарқия, қирғизларда-жир, туркманларда-айдим, озарбайжонларда-маъхни, русларда песня, ўзбекларда эса ашула дейилади”[1.34] дейди. Бу ўринда Р.Қурбоновнинг ашула туркларда шарқия дейилади деган фикрига кўшилиб бўлмайди. Зеро, “шарқия” “...юриб-туриб, нақарот билан айтиладиган кўшиқ Марш кўшиғи”дир. Маълумки марш кўшиқлари қадимда куйланган сарбоз кўшиқларини ёки ҳозиргача куйланиб келаётган саф яъни аскар кўшиқларини эслатади. Шунинг учун шарқияларни фақатгина алоҳида бир жанр дейиш мумкин. Уни кенг маънода истеъфода этилаётган ашула билан бир хил маънода қўллаб бўлмайди. Шарқия ашуланинг эмас, кенг маънода халқ кўшиғининг бир жанри халос. Рус этнограф олими Л.Н.Гумилев “Қадимги турклар” китобида қайд этилишича “Тобалар Шимолий Хитойни қўлга киритган палладаги қавм ва қабилалар орасида “Ашинанинг беш юз хонадони” ҳам бор эди. Бу беш юз хонадон турли-туман уруғларнинг чатишиб кетишидан пайдо бўлган... “Ашина” сўзининг маъноси эса “бўри”дир. Туркчасига *қашқир* ва *бўри* сўзлари берилади, муғул тилида эса, *шоно* \ *чинодир*”. “А” хитой тилидаги ҳурмат ифодаси бўлган олд кўшимчаси. Демак, “Ашина” дегани “олижаноб бўри” деганидир”. Ушбу фикрлардаги бир ҳолат бизни қизиқтирди. Яъни фольклоршунос Ш.Турдимов “*ла*” сўзининг қадимий маъноси куйланувчи, муқаддас айтим, ҳамду сано дуо олқиш, кўшиққа уйғун бўлган,” – деган қарашни илгари суради. Агар Ашинахон туркий қавмларни бирлаштирган ва Хитой ҳамда Муғуллар билан ихтилофларга бориб янги турклар давлатини барпо қилган бўлса, табиийки, халқ турли маросимларда уни олқишлаб, кўшиқлар куйлаган ва шундай кўшиқларга нисбатан “*ашина-ла*” тарзида яъни олижаноб бўрига нисбатан муқаддас айтимлар, ҳамду санолар айтишган ва ниҳоят фараз қилаётганимиз ашина+ла кейинчалик фонетик ўзгаришларга учраб ашула тарзида шаклланган дейиш бир қадар ҳақиқатга яқин. Зеро, қадимги туркийлар “хун шахзодаси ва урғочи бўрини насаббоши ҳисоблардилар”. Кейинги изланишлар масаланинг туб моҳиятини янада теранлашишига имконият ҳосил қилади. Аммо ашула айнан Ашинахонга нисбат берилиши бугунги кунда бир қадар ишонли деб ўйлаймиз. Хитой, муғул ва туркийларнинг бирнеча қавмларидан ташкил топган “Ашинанинг беш юзхонадони”да худди шундай истилоҳнинг пайдо бўлганлигига шубҳа йўқ.

Халқ кўшиқлари учун асосий аломат уларнинг ритмик оҳангдорлигини аниқлашни тақозо қилади. Ритмик оҳангдорлик эса кўшиқдаги яхлит композицион қурилишнинг асосий устунидир. Фольклоршунос А.Мусакулов “...кўшиқ ва кўш сўзларининг омоч, кўшаноқ, икки, жуфт, вақтинчалик қароргоҳ маънолари қайд этилган. Бундан ташқари у тўда, тўпни англатади [12]”, - дейди. Англашилмоқдаки, халқ кўшиқлари фақат жуфт шаклдаги мисраларга эга бўлиши лозим, акс ҳолда, уларни кўшиқ дейиш у қадар тўғри эмас. Бироқ халқ кўшиқларидан поэтик айтимлардан, яъни халқ шеърдан (юқорида кўшиқ, ашула атамаларининг истилоҳий маъноси келтириб ўтилган эди. - Д.Р.) ўз жанр табиати ҳамда композицион белгисига кўра фарқланади. Улар яъни поэтик айтимлар уч, беш, етти мисрали ҳам бўлиши мумкин. Бундай ҳолда оҳангдорликни келтириб чиқарувчи вазн кўрсаткичининг таркибий тузилиши фақатгина ўша жанрнинг ўзигагина хосдир. Ритмик оҳангдорлик халқ кўшиқларининг ўзига хослигини кўрсатувчи асосий хусусиятидир. Чунки, маросим, меҳнат ва сўз магияси асосида пайдо бўлувчи кўшиқларда кофия ва ритм оҳангдорликни талаб қилади. Ўз навбатида ритмик оҳангдорлик куйидагича намоён бўлади.

1)оҳангдорлик ва мусиқийликни ташкил этувчи ритм: 2)маром, меъёр ва ритмик майдонни пайдо қилувчи ритм: 3)зарбли ритм, бунда урғу етакчи роль ўйнайди: 4)товушдошлик ва фоник ритм, бунда аллитерация ва ассонанас ҳал қилувчи омилдир, 5)бадий ғоя, мантик ва рамз ҳосил қилувчи ритм: 6)бўгин (хижо), банд, қофия, туроқ ва вазн ҳосил қилувчи ритм: 7) образлилик ритми.

Ритмик-интонацион бирлик ритмик майдон ва ритмик меъёр орасидаги бирликни ифодалаши зарур. Агар ритмик оҳангдорлик шеър тузилишида одатдаги гап тартибини инкор қилса, дейлик, инверсия рўй берса, у ҳолда кўшиқ, ашула ёки шеърдаги ритм, мелодия ўзгаради. Умумий савиядаги симфониянинг ҳаракатида биргина етакчи образ зарбни пайдо қилади, ҳамда оҳангдорликнинг меъёрийлигини таъминлайди. Натижада ана шу поэтик образда жамланган маъно ўша туркумдаги бошқа тўртликларга ҳам дахлдор бўла олади.

Майда-майда мой босар, 4+3

От ўрнини той босар. 4+3

Отадин ўғил қолса, 3+4

Ўлмаса ўрнин босар, 3+4

Юқоридаги шеърий парчада қўлланилган “босар” сўзи икки вазифада, яъни ҳам қофия, сифатида ҳам радиф сифатида қўлланилган. Шунингдек, шеърнинг биринчи ва иккинчи мисралари 4+3 шаклида кейинги икки мисра 3+4 тарзида туроқланган. Хўш, бу ҳодисанинг шеърнинг умумий мазмун ёки шаклига нечоғлик таъсири бор, деган савол туғилади. Бизнингча, бундай таъсирни қуйидагиларда кўриш мумкин:

а) кўшиқ тўртлик шаклида бўлса-да, икки хил туроқланиш тизимига эга:

б) икки хил туроқланиш кўшиқдаги ритмик-оҳангдорликни ўзгартирган

в) биринчи ва иккинчи мисраларда аслида “мой” ҳамда “той” сўзлари қофияни ташкил этгандай кўринса-да, биринчи, иккинчи, тўртинчи мисралардаги “босар” сўзи радиф сифатида қўлланилиб композицион яхлитликни таъминлаган:

г) туркий шеър қонуниятларига кўра кўпинча феъл туркумига оид сўзлар қофия вазифасида келади:

д) бу ҳолат, яъни феъл қофиянинг қўлланилиши ўзига хос бадий анъана сифатида бевосита ёзма адабиётга ҳам кўчган:

Бундай хулосаларни баён қилишимизга сабаб, “босар” омонимининг қуйидаги маъноларни ифода этиши орқали ҳам асосланади:

Босар $\begin{cases} 1\text{-мисрада}=\text{йиғар маъносида} \\ 2\text{-мисрада}=\text{бажаради маъносида} \\ 4\text{-мисрада}=\text{эгаллайди маъносида} \end{cases}$

Яна шуни ҳам алоҳида қайд этиш жоизки, келтирилган кўшиқ соддалиги, халқоналиги ва миллийлиги нуқтаи назаридан туркий тил талаб ва қоидаларини ўзида мужассам этган. Халқ кўшиқлари тузилишини ўрганиш, унинг тизимий белгилари, асосан, матннинг композицион хусусиятлари, таркибини ташкил этувчи банд тузилиши, вазн, ритми, ифодавийлиги, бадий санъатлари, қофия ижро ёки айтим усули билан ҳам алоқадордир. Аристотелнинг «Поэтика» асарида ёзилишича, «Ўхшатиш гармония ва ритм сингари қадимданок одамларнинг табиатига хос хусусиятдир (вазнлар-ритмнинг махсус тури эканлиги сир эмас), одамлар қадимданок табиатан ўхшашига қобилиятлидирларки, улар буни оз-оздан тараққиёт эттира бориб, бадиҳа шеърлар (импровизация)дан ҳақиқий поэзияни юзага келтирганлар» [13.13]. Аёнлашмоқдаки, шеър дастлаб импровизация характерига эга бўлиб, халқнинг донишмандлиги ёхуд донолиги асосида юзага келган. Табиатнинг ўзи ҳар бир шахсни ижодкор қилиб тарбиялайди. Унга оҳангга мос ритмик ҳаракат ато этади. Ритм эса, ўз навбатида, ҳаракат ифодаси сифатида маромни асослайди. Шу тарика буюк аллома Аристотелнинг қарашларига таяниб, вазнлар - ритмнинг махсус тури, деган хулосага келамиз. «Санъаткор муайян шахсларни тасвирлайдиган, улар эса яхши ёки ёмон бўлишлари мумкин... Хилма-хил предметларнинг тасвири ҳам ҳар хил бўлади. Чунки шунга ўхшаш гарчи хусусиятлар рақса ҳам, атлетикада, сурнай, кифора чалишда, насл ва мусикасиз шеърда ҳам бўлиши мумкин... аргант ёки тимофей ва Филоксен «Киклоплар»да қандай қаҳрамон яратган бўлса, дифиромб ва комларда шундай яратиш мумкин» Ана шу фикрлар бадий – эстетик тафаккур ривожидан ҳамон у ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Хулоса. Албатта, инсоният томонидан кашф қилинган санъат турлари муайян шакл ва мазмунга эга бўлса-да, улар моҳиятан ягона ўқ нуқтада туташади. Кўшиқ ҳақида сўз кетганида, айниқса, маълум бир ижрога ёки миллий анъанадаги мусикага дахлдорлик ҳақида гапирилганда, унинг табиатга тақлид асосида такомиллашганига амин бўламиз. Ҳаттоки унинг архитектоникаси ҳам табиат унсурларига асосланиши шубҳасиз. Бу ҳодиса нафақат туркий, балки бутун жаҳон халқлари кўшиқчилигининг

ибтидосига хос муштарак хусусият саналади. Ахир инсоннинг қалб тугёнлари, дил нолалари, имон-эътиқоди бари-бариси ўзининг санъат намунаси сифатидаги ибтидосини тақлиддан, яъни табиатга тақлиддан олганлиги маълум. Демак, бошқача қилиб айтганда, қайсидир маънода инсон туйғулари ва табиат ҳодисалари ўзаро параллеллик хусусиятига эга. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам доимий ўзгарувчанлик хоссасини намойиш қилади. Зотан, коинотдаги барча нарса-ҳодисалар яхлит тизим сифатида мавжудлиги учун ҳам руҳоният, инсоният, наботот, табиат сўзлари олам тушунчаси билан бирикиб келади. Олам тизимидаги барча структуралар бири-иккинчисиз мавжуд бўлиши мумкин эмас. Табиат ва инсон, ҳаётининг бир-бирига чамбарчас боғлиқлиги, шунингдек, Табиат→Инсон→Санъат муштараклигининг боиси ҳам ана шунда. Санъатнинг барча турлари хусусан, фольклор ўз моҳиятига кўра инсон руҳиятини шаклан табиий образлар асосида очиб беришнинг энг халқона шакли ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Қурбонов Р. Санъатнинг сирли олами. Санъатнома. – Т.: Фафур Фулом. 2011. -Б.4.
2. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 5 жилд. 1 жилд. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: 2006, – Б. 122.
3. Қаюмов А. Қадимият обидалари. 1972, 71б.
4. Ҳожиб Ю.Х. Қутадғу билиг. – Т.: “Фан”. 1971, 58-б
5. Ўзбек адабиёти, 1-том, (170-бет)
6. Маҳмуд Умар Замахшарий “Муқаддимат ул-адаб”. ЎЗРФА А.Навоий номидаги Тил ва Адабиёт институти музей фонди. Инв N-202.5-бет)
7. Навоий А. Мезон ул – авзон. МАТ.20-томлик, 16-том. – Т.: 2000. 92-бет
8. Ҳоди Зариф. Фольклор ва археология материалларни қиёсий ўрганиши масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. – Тошкент, 1958, №1, 29-30-бетлар
9. Кароматов Ф. Ўзбек халқ музыка мероси. – Т.: ҒАҲН.1985.-Б.18.
10. Тошматов Ў. Фольклор қўшиқлари. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. – Б.6.
11. Джумаев А. Традиция ашура у иранцев Бухары: источники историко-культурной контекст. Мир Ислама. Москва. N-2(5).2010. – Б.114-137.
12. Мусоқулов А. Ўзбек халқ лирикаси тарихий асослари, бадиияти. – Тошкент, Фан 1995.
13. Аристотел. Поэтика. – Тошкент. Ўқитувчи, 194-бет.